O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2000 йил 26 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 58 (7253)

Da'vat

Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Ibrat

Оқолтин тумани Болалар ва ўсмирлар ижодий маркази қошида 14 та тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Марказнинг тикиш-бичиш ва каштачилик тўгаракларида тайёрланган маҳсулотлар савдосидан юз минг сўмга яқин маблағ ишлаб топилди. Ўқувчилар бу ерда ҳам ҳунар ўрганишмоқда, ҳам моддий манфаат кўришмоқда.

Qutlug' ostona

"УМИД"ЧИЛАР ҲАР СОҲАНИ ҚАНОТИ БЎЛИШИ КЕРАК

Биз ўз истеъдодли, фидоий болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

Ёшлар жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатади. Биз бошдан кечираётган давр ҳам бундан мустасно эмас. Шу ўринда савол туғилади, ҳозирги ёшлар жамиятимизда кўпроқ нима билан машғул бўлишмоқда? Давр улардан нимани кутаяптию улар жамиятга нима бераяпти? Албатта, бу муҳокама, мунозара талаб этадиган мавзу. Шу боис биз юртимиздан ташқарида таълим олаётган ҳамда нуфузли хорижий университетларда таҳсил олиб қайтган ёшларнинг ҳаёти, эришаётган натижалари билан қизиқдик. Бу ҳақда Республика "Умид" жамғармасининг ижрочи директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Музаффар Зиёев билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси ташкил этилганига мана тўрт йил тўлмоқда. Ўтган давр мобайнидаги жамғарма фаолияти ва истеъдодли ёшларни танлов жараёни ҳақида сўзлаб берсангиз?

—Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонида белгиланганидек, асосий фаолиятимиз республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида истеъдодли ёшларни танлаб олиш, саралаш ва ривожланган хорижий давлатларнинг олий ўқув юртларига ўқишга юборишдан иборат. Шу пайтгача 625 нафар йигит-қизларимизни турли давлатларга ўқишга юбордик. Бу йил 124 нафарини жўнатиш тараддудидамиз. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган асосий талаб — уларнинг билими ва маънавий етуклигидир. Ёшларимизнинг Ватанга, миллий қадриятлар ва ўтмиш меросимизга бўлган содиқлиги ҳам бош мезон ҳисобланади. Негаки, улар Ўзбекистоннинг хориждаги норасмий элчиларидир. Хорижликлар билан ҳар куни муносабатда, мулоқотда бўлишади. Табиийки, хорижликлар юртимиз тарихи, маданияти, иқтисодиёти, аҳолининг турмуш даражаси ва эътиқоди билан қизиқадилар. Ва улар онгида юртимиз ҳақидаги тасаввурлар талабаларимизнинг билдирган фикрлари асосида ҳам шаклланади. Биз бу йилги танловда мана шу мезонга кўпроқ эътибор қаратдик. Айтиш мумкинки, танловимиз ўта жиддий ва рақобатли ўтди. Биз ўтган йилга нисбатан 30 нафар кам талаба танладик. Бу талабаларнинг иқтидорига бўлган талабнинг янада ортганлигини билдиради. Танловдан ўтганларнинг 70 фоизини вилоятлардан келган ёшлар ташкил этмоқда. Бу ҳам бизни қувонтирди. Бу вилоятларда ҳам таълимнинг ривожланаётганлигидан, истеъдодларга бойиб бораётганлигидан далолатдир.

Биз зиммамизга юкланган масъулиятни чуқур англаган ҳолда бор куч ва идрокимизни пухта билим олишга ва олган билимларимизни жонажон Ватанимизнинг буюк келажаги ҳамда равнақи йўлида сарфлашга ваъда берамиз.

("Умид" совриндорларининг Юртбошимизга йўллаган мактубидан)

Фарзандларимиз бизларга насиб қилмаган ўша бахтга, яъни дунёда Мустақил Ўзбекистон давлати, унинг келажаги борлигини баралла айтаётганини эшитиб кўнглимиз севинч ва ғурурларга тўлди.

(Президентимиз Ислом Каримов номига бир гуруҳ ота-оналар томонидан йўлланган мактубдан)

(Давоми 2-бетда)

ЭРТАНИНГ ЭГАЛАРИ – ИҚТИДОРЛИЛАР

Faxr

Миллат яшар экан, унинг маданияти ҳам, маънавияти ҳам, маърифати ҳам яшайверади. Бугун истиқлолга эришганига 9 йил тўлаётган ушбу халқ худди шу соҳаларда дунёга ўзини танитмоқда. 9-16 июль кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтган XI Халқаро олимпиадада биология фани бўйича ўзбекистонлик ёшларнинг эришган ютуқлари бунга мисол бўла олади. 39 та мамлакатдан 150 нафар ўқувчи ва 120 нафар ўқитувчи иштирок этган олимпиадада Тошкент ўғил болалар лицейи битирувчиси Алишер Алиев кумуш медаль, Самарқанд ўғил болалар лицейи 10-синф битирувчиси Жаҳонгир Турғунов бронза медаль, Тошкент ўғил болалар лицейи 9-синф битирувчиси Азиз Аширов бронза медаль соҳиблари бўлишди. Тошкент ўғил болалар лицейи 9-синф битирувчиси Бекзод Алимуҳамедов эса олимпиада иштирокчиси дипломини олишга муваффақ бўлди.

— Шуни таъкидлаш жоизки, Алишер Алиев 1999 йил Швециянинг Упсала шаҳрида ўтган X Халқаро олимпиадада биология фани бўйича бронза медаль соҳиби бўлган эди. Бу жараёнда ўсиш борлигидан хурсандман, — деди олимпиада иштирокчилари гуруҳи раҳбари, Низомий номли ТДПУ биология кафедраси мудири, профессор Саъдулла Дадаев Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказида бўлиб ўтган ғолиблар билан учрашув чоғида.

—Халқаро олимпиадада юртдошларимиз тўртинчи бор (Туркманистон, Германия, Швеция, Туркия) иштирок этишяпти. Ва йилдан йилга тажрибамиз ошиб боряпти, — деди Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р.Жўраев. — Ўйлайманки, кейинги йил Бельгияда ўтадиган олимпиадада бундан ҳам юксакроқ натижаларга эришамиз. Яна шуни айтиш лозимки, XI олимпиадада 120 нафар ўқитувчи орасидан бизнинг ўқитувчимиз Саъдулла Дадаевнинг ҳам ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этиши ва сертификатга эга бўлгани қувонарли ҳолдир.

Шундан сўнг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Р. Жўраев олимпиада иштирокчилари ва раҳбарларига эсдалик совғаларини топширди. Учрашув хуш кайфиятда якунланди.

Шерали НИШОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Суратда: Анталияда биология фанидан ўтказилган XI халқаро олимпиада совриндорлари тақдирлаш маросимидан сўнг.

Б. РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Япония парламенти вакиллар палатаси депутати Мунео Судзукини қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарлари келтиришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

• Миллий матбуот марказида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Марк Данзоннинг ОАВ ходимлари билан қизиқарли учрашуви бўлиб ўтди.

• "ЭКОСАН" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган экология шанбалиги кунида республика бўйича жами 200 миллион сўмлик ишлар бажарилди ва маҳсулот ишлаб чиқарилди.

• Жазирама иссиқ ва қурғоқчилик АҚШнинг Колорадо штатидаги "Месаверд" миллий боғида кучли ёнғин келтириб чиқарди.

• Фаластин раҳбарияти 13 сентябрь куни Fазо шаҳрида бутунараб саммитини ўтказиб, шу куни Фаластин давлати мустақиллигини эълон қилишни режалаштиряпти.

• Филиппин жанубида жангарилар маҳаллий аҳоли бораётган юк машинасига қарата ўқ уздилар, натижада 13 киши ҳаётдан кўз юмиб, 14 киши жароҳатланди.

• "Москва — Одесса" тезюрар поездининг локомотиви ва беш вагони йўлдан чиқди, хабарларга қараганда, ҳалокат темир йўлнинг носозлиги туфайли рўй берган, фожиа оқибатида 35 киши жароҳатланган.

Жуманазар БЕКНАЗАР

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ ОИЛА ЗАМИРИДА

2000 yil —Sog'lom avlod yili

Ана энди қуйидаги ҳолатни кўз олдимизга келтирайлик. Она организмида қиз жинсли ҳомила ривожланаётган бўлсин. Она қонида пайдо бўлган ва стресс ҳолати туфайли ортиқча бўлиб қолган эстерогенларнинг қандайдир бир миқдори ҳомила организмига ўтади ва ўз таъсирини кўрсатади. Онанинг стресс ҳолати сурункали бўлса, туғилган қизалоқларнинг сут безлари анча катта бўлиб, улар салгина сиқилса, ҳатто ўғиз сути ҳам ажралиши мумкин. Бундай ҳолларда кўпинча хирургларга мурожаат қилишадилар, "Кўрингчи, мастит /кўкрак безининг яллиғланиши/ йўқмикан?" — дейишади. Аслида бу эстерогенларнинг таъсири бўлиб, улар организмни тарк этган сари кўкрак безлари ҳам кичиклашиб бораверади. Қиз бола туғилганидан 17-18 кун ўтгач, кўкрак безлари ўзининг меъёрий ҳолатига тушади. Агар стресс ҳолати онада жуда узоқ вақт давом этадиган бўлса, яъни она қиз боланинг жинсий аъзолари шаклланиши даврида фақат салбий таассуротлар ҳукми остида яшашга мажбур бўлса, қиз ҳомила организмида ҳам эстрогенлар, ҳам андрогенлар таъсиридан ҳомиланинг руҳиятида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Бундай қиз болаларнинг кўпчилигида, улар балоғат ёшига етганларида, ўғил болага эмас, балки қиз болага жинсий қизиқишлари устунлик қила бошлайди ва улардан келажакда транссексуаллар етишиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Ўғил бола жинсли ҳомила ривожланаётган даврда онада стресс ҳолати рўй берса, ўғил бола жинсий аъзоларида қандайдир бир нуқсон пайдо бўлади. Бу нуқсонларнинг орасида энг кўп учрайдигани гипоспадия туғма касаллигидир. Гипоспадия — бу сийдик чиқариш канали, яъни уретра ташқи тешигининг ўз анатомик жойида бўлмасдан, олат танасининг турли жойларида, ёрғоқ ёки ораликда очилишидир. Хўш, бу касалликнинг ривожланиш механизми қандай? Онада стресс ҳолати рўй берганида ЭСТЕРОГЕН гармонининг бир қисми ҳомила организмига ўтади. Эстроген эса ўғиллик жинсий аъзоларининг ривожига тескари таъсир кўрсатади. Айтайлик, ёш ҳомиладор аёл ҳар куни қайнонанинг ҳар турли дашномларини, бунинг устига эридан ҳам бўлмағур ади-бадиларни эшитавериб, юраги жиғи-бийрон бўлишидан унда стресс ҳолатининг 1 даражаси (шартли, албатта) пайдо бўлса, бўлажак чақалоқда гипоспадиянинг енгил шакллари рўй бериши мумкин. Чунки эстерогеннинг таъсиридан уретра девори охиригача шаклланмайди.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ён дафтарига

ЭЪТИРОФ

Буюк Британиянинг Кембридж халқаро Биография маркази чоп этган "XX асрнинг 2000 нафар атоқли олими" китобидан таниқли ўзбек олими Марат Зоҳидовнинг ҳам таржимаи ҳоли ўрин олди. Шунингдек, олимга ушбу марказнинг "XX асрнинг буюк олими" дипломи ва медали ҳам топширилди. Марат Зоҳидовнинг таржимаи ҳоли АҚШдаги Биография институти директорлар кенгаши томонидан нашр этиладиган "Жаҳоннинг 1000 нафар обрўли етакчиси" китобига ҳам киритиладиган бўлди.

САМАРАЛИ УСУЛ

Тожикистонлик бир гуруҳ олимлар томонидан ичимлик сувини тозалашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди. Тажрибаларнинг кўрсатишича сув озон билан тозаланганда бактериялардан буткул халос бўларкан". Янги ускуна орқали сувнинг ифлосланиш даражаси 350 мартагача қисқарди. "Чашма" деб номланган ушбу технология кенг жорий этиш учун тавсия этилди.

ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН

Айни кунда мутахассисларнинг уяли телефон устидаги тадқиқотлари бир зум ҳам тўхтамаяпти. Маълумотларда айтилишича, тез орада уяли телефонлар нафақат алоқа воситаси, балки электрон ҳамён вазифасини ҳам ўтай бошлайди. Унинг ёрдамида бемалол дўконларга керакли товар бўйича буюртма бериш, уларнинг ҳақини тўлаш, ҳатто лоторея ўйинларида иштирок этиш ҳам мумкин бўлади.

ЎЗИДАН ПЎСТЛОҒИ ФОЙДАЛИ

Америкалик олимлар олма таркибида саратон хасталигининг олдини олувчи ҳали фанга номаълум бўлган заррачалар борлигини аниқлашди. Синовларда аниқланган яна бир қизиқ ҳодиса шуки, олманинг ички юмшоқ қисми йўғон ичакдаги зарарли безлар ривожланишини 29 фоизга қисқартиргани ҳолда, пўстлоғи 43 фоизга камайтирар экан. Олимлар кунига камида тўрттадан олма ейишни тавсия этишмоқда.

МАЪРИФАТНИНГ МАНГУ МУҲРИ

ҳаётимиз, ишимиз ва тафаккуримизда мужассам

Mulohaza

Олам ва одам яратилганидан шу кунга қадар нимаики қадри билан мерос ҳисобланган бўлса, барчаси маърифат туфайли мангуга муҳрланган. Ибтидоий даврда одам ўзидаги ҳис-туйғуларни тошларга ўйиб изҳор қилганда, шубҳасиз, унинг қалбини маърифат чироғи мунаввар этган. Оламдаги ўзгаришу кашфиётлар, узлуксиз тараққиёт ҳам маърифат кучи-қудратидандир. Маърифат орқали одам илк бор ақлини таниган. Абулқосим Фирдавсий айтганидек, "Оламда энг аввал инсон ақли яралган".

Маърифат халқимизнинг қонида, руҳида. Бизнинг тарихий хотирамиз маърифат ва бунёдкорликка уйғун. Халқимиз азал-азалдан маърифатни бахт-саодатга элтувчи ягона йўл, деб билган. Буюк аждодимиз Абу Наср Форобий ёзганларидек: "Жаҳолатдаги одамлар ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам".

Кўҳна Турон заминидан бу қадар кўп жаҳоншумул аҳамиятга молик ишларни амалга оширган алломалар етишиб чиққан, деган саволга ҳар хил жавоблар берилган, қатор сабаб ва омиллар, турлича далиллар келтирилган. Шубҳасиз, уларнинг барида жон бор. Аммо халқимизда азалдан маърифатни муқаддас билиш туйғуси даҳоларимизга доя бўлгани ҳам аён ҳақиқатдир.

Янги Ўзбекистон давлати ҳам ўз сиёсатининг бош тамойили сифатида маърифатни асос қилиб олгани — тарихий бардавомлик ришталарига содиқлик, халқ салоҳиятига ишонч ва тараққиётга интилишдан далолатдир. Президентимизнинг миллатимизнинг жонкуяр маърифатчиси Абдулла Авлонийнинг: "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир", деган сўзларига қайта-қайта мурожаат этаётганлари тагида улуғ маъно мужассам. Давлатимиз раҳбари халқимизни маърифат йўлига даъват қилиб, ҳар бир инсон қалби маърифат чироғига айланишини, юракларимизда зиё туйғуси акс-садо беришини орзу қилмоқдалар.

Ҳар қандай улуғ ниятнинг дебочаси, остонаси бўлади. Ўзбекистондаги барча ўзгаришлар, янгиланишлар ва ислоҳотлар маърифат остонасидан бошланаётгани қабул қилинаётган Фармонлар, қонунлар ва қарорлар мазмунида, руҳида яққол намоён бўлмоқда. "Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий ривожланиш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз". "Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир". Президентимизнинг ушбу фикрлари жамият ва инсон муносабатларида маърифат кўпригини бунёд этиш, таъбир жоиз бўлса, ёш авлодни катта ҳаётга шу кўприк устидан олиб ўтишни вазифа қилиб қўяди.

(Давоми 3-бетда)

ЭШМИРЗА ДОМЛАНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

Ta'lim homiylari

Чироқчи туманидаги Шўрбозор қишлоғи аҳли жонажон мактабларини ўз элининг адолатли кайвониси бўлиб ўтган, фидойи ва яратувчан инсон, раҳматли Муҳиддин Нурматов номи билан аташни сўраб, шу масалага мутасадди юқори идора ва ташкилотларга мурожаат қилишди. Маҳаллий аҳоли талаби қондирилди. Шўрбозор қишлоғи марказидаги 121-мактабга Муҳиддин Нурматов номи берилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз қайтарилди, ўзлигимиз тикланди. "Элим деб, юртим деб" ўз замонида фаол меҳнат қилган кўплаб "Эл улуғлари"нинг номлари абадийлаштирилди.

Гапнинг бошқа томони шундаки, раҳматли Муҳиддин Нурматовнинг бош фарзанди Самарқанд Давлат меъморчилик институтининг доценти, техника фанлари номзоди, иқтидорли олим Эшмирза Нурматов отаси номи билан аталган ушбу илм масканини ўз ҳомийлигига олди.

Якунланган ўқув йилининг "Сўнгги қўнғироқ" байрами кунида Эшмирза Нурматовнинг саховати билан "Йил давомида аъло ўқиганлиги ва аъло хулқи учун" 20 нафар ўқувчига 10 минг сўмлик, "Билимдонлиги учун" 5 нафар ўқувчига 8 минг сўм, "Спортда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун" 4 минг сўм мукофот пули тақдим этилган эди.

Энг муҳими, Эшмирза Нурматов шу тариқа мукофотларни ҳар йили ўқув йили якунида тақдим этиш истагида эканлигини ва ўз шахсий жамғармасидан мактаб ҳисоб рақамига 200 минг сўм пул ўтказганлигини билдирди.

Хайр-саховат, эзгулик олий фазилат. Қаранг, шахсан Эшмирза Нурматовнинг молиявий кўмаги билан илм маскани яқинда сифатли жорий таъмирдан чиқарилди. Мактаб остонасига ҳавас қилгудек чиройли дарвоза ўрнатилди.

Абдували ОБИДДИНОВ

ЎЗЛИКНИ АЛМАШИБ БЎЛМАС ЎЗГАГА
2-бет

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ XXI АСР БЎСАҒАСИДА
(ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ 2000 ЙИЛ АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА ТАВСИЯЛАР)
3-бет

ОСМОН ҚУШИҚ, ЕР ҲАМ ҚУШИҚДИР
4-бет

Бироқ улардан ҳозир фаолият кўрсатаётган жойларнинг аксариятида эгаллаган билими, амалий тажрибасига яраша самарали фойдаланилмаяпти. Берилаётган турли ташкилий топшириқлар имкониятларининг чекланишига олиб келмоқда.

Ҳомиланинг руҳий дунёси шаклланаётган даврда (асосан 3 ойлик бўлгандан кейин) онанинг нималарни ўйлаши, фикр қилиши, ҳис-туйғуларининг интеллектуал жиҳатдан қай даражада эканлиги бўлажак боланинг қандай тафаккур эгаси бўлишлигини белгилайди.

"УМИД"ЧИЛАР ҲАР СОҲАНИНГ ҚАНОТИ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жамғарма ўтган даврдаги фаолияти натижасида ўзига хос тажрибага эга бўлди. Бу тажриба илгаригидек хорижнинг истаган университетига эмас, балки дунёдаги энг нуфузли ўқув юртларига ёшларимизни юборишни тақозо этади. Мисол учун, талаба Американинг иккимингинчи университетига ўқишга борди, дейлик. Бу унинг учун фахрли бўлиши мумкин. Лекин бу мамлакатда 3 мингдан зиёд шундай ўқув муассасалари борлигини унутмайлик.

Маълум бир мамлакатнинг энг обрўли университетларигагина ёшларимизни ўқишга юборишимиз керак. Негаки, биз ўқишга юбораётган ёшлар Ўзбекистон Президенти гранти совриндори деган шарафли ном соҳибидирлар.

— Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида юртбошимиз хорижда замонавий билим олаётган истеъдодли ёшларга масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу ҳақда жамғарма тўғрисидаги фармон ва низомда ҳам белгилаб ўтилган эди. Шу пайтгача жамғарма бу борада қандай ишларни амалга оширди?

— Хориждан қайтган талабаларни ишга тақсимлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан Махсус ишчи гуруҳи тузилган. Гуруҳга республикамизнинг нуфузли идора раҳбарлари, олимлар жалб этилган. Гуруҳ айни пайтда ўз олдига қўйган вазифаларни бажариб бормоқда.

Шу вақтгача 130 нафар ёшларимиз хориждан ўқишни тугаллаб қайтди. Шундан 120 нафари давлатимизнинг энг нуфузли идораларига ишга тақсимланди. Гуруҳ ёшларни фақатгина ишга тақсимлаш билан шуғулланиб қолмай, балки кейинги фаолиятларини ҳам кузатиб боради.

Йил охиригача 160 нафар йигит-қизлар Ватанимизга қайтишади. Улар ҳам ўз мутахассислигига кўра ишга тақсимланади. Қолаверса, нуфузли идоралардан олинган сўровномалар уларнинг етук кадрларга бўлган эҳтиёжининг юқори эканлигини билдиради. Аммо асосий талаб, уларни тўғри ишга жойлаштиришдир. Улар қайси соҳада бўлмасин, шу соҳанинг қаноти бўлишлари керак.

— Президентимиз ўша мажлисда муайян олий ўқув юртини тамомлаётган ёш мутахассислар бўйича махсус маълумотлар банкини тузиш ва мониторингини, яъни кузатиш услубини амалга ошириш зарурати ҳақида гапирдилар. Бу тўғрида батафсил сўзлаб берсангиз?

— Бу ўринда биз ҳам мамлакатимизнинг таълим тизимининг бир бўғини эканлигимизни яхши англаймиз. Шу муносабат билан Президентимиз қўяётган бу вазифа бевосита бизга ҳам тааллуқли. Ҳозирда бизда уч йўналишдаги маълумотлар банки мавжуд. Биринчиси — юқорида зикр этилган сўровномалар бўйича аниқланган эҳтиёжлар ҳақидаги маълумотларни ўзида жамлаган. Иккинчиси — хорижда таълим олаётган ёшларимиз тўғрисидаги маълумотлар банки. Учинчиси — хориждан ўқишни битириб келиб ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётганлар тўғрисидаги маълумотлар банки. Шу маълумотлар банклари орқали эҳтиёж, талаб, таклиф ва имкониятларни мувофиқлаштириш мумкин бўлади.

— Хорижга бориб ўқиётган талабалар билим олиш билан бирга катта ҳаёт синови, шу тупроқ фарзандига хос бўлган фазилатларга содиқлик имтиҳонини ҳам ўтайдилар. Шундай эмасми?

— Тўғри, бу хорижга йўл олган талабадан талаб этиладиган энг биринчи шартдир. Биздаги иқтисодий аҳвол, турмуш даражамиз Европа давлатлари ёки Америка билан тенг эмас. Тафовут мавжуд. Лекин бу тафовут зинҳор ёшларимизни чалғитиб қўймаслиги керак. Албатта, у ерда юқори миқдорда маош тўлайди, ўз салоҳиятини амалга ошириш учун кенг имкониятлар йўлга қўйилган. Давлатимиз эса бир одамнинг ўша юртга бориб ўқиши учун мисқоллаб маблағ топаяпти... Тасаввур қилинг, олис қишлоқдаги бир ота ўғлини шаҳарга юборяпти, бор будини шунга сарфлайди. Ўқисин, ўссин, замондан ортда қолмасин, дейди. Давлатимиз, Президентимиз ҳам ўз фарзандларига ана шу умид кўзи билан қарайди. Ёшларимиз ҳар соҳада қанот бўлиб юртимиз равнақига хизмат қилишлари, тараққиётни таъминлашлари зарур. Чет элда ҳамма нарсани топиш мумкиндир балки, аммо Ватанни топиб бўлмайди. Ватан ҳар қандай бойликдан юқори туради. Мен ўйлайманки, бу ҳақиқатни ёшларимиз яхши тушунади, англайди ва ўз Ватанидан ғурурланади.

Бизнинг талабаларимиз хорижда таҳсил олиш даврида инсон учун энг олий синов — Ватанга садоқат синовидан ўтишади.

— Хориждан қайтган талабалар онгида, фикрида, ҳаракатида кўпроқ нималарни кузатаяпсиз?

Шахсий кузатишларим бўйича айтишим мумкинки, улар мустақил фикр юритиш, ҳар бир ишни ақл тарозисига қўйиб, ўйлаб бажариш, энг муҳими, ташаббус кўрсата олиш кўникмаларига эга бўлиб қайтишмоқда.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат" махсус мухбири

ЎЗЛИКНИ АЛМАШИБ БЎЛМАС ЎЗГАГА

Muqaddas tuyg'u

Юртимиз узра истиқлол шабадаси эса бошлагач, қалбларимизда келажакка бўлган умид учқунлари уйғонди. Биз ёшларнинг илм-маърифат йўлида тинимсиз изланишлари, эзгу ниятлар билан ўз устида ишлаши ва саъй-ҳаракатлари беэътибор қолмади. Оддий халқ вакилларининг фарзандлари ҳам ўз ақлий меҳнати воситасида хорижий юртларда яшаб, обрўли олий ўқув юртларида таълим олиш ҳуқуқига, имкониятига эга бўлдилар. Мана шундай имкониятдан фойдаланиш бахтига муяссар бўлган кўпгина ёшлар каби камина ҳам Франциянинг Тулуза 1 университетида таҳсил олиш жараёнида ўша, жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларидан бирида бир қанча вақт яшашимга тўғри келди.

Мўъжизакор таровати, осору-атиқалари таърифига баъзан тил ожизлик қилиб қоладиган бу ўлкада яшаш қайсидир маънода бахтиёрлик белгиси бўлиб кўринади. Лекин бундай бахтнинг умри жуда қисқа эканлиги мусофир бўлиб кўрган кўпчиликка маълум. Янги муҳит билан яқиндан танишиб бўлганингиздан кейин, дилингиздаги маълум бир туйғу ўзининг мавжудлигини қаттиқроқ сездира бошлайди. Бу туйғуни ватан туйғуси деб атайдилар.

Дарҳақиқат, бу ўлкада керакли моддий неъматларнинг деярли барчасига эга бўла олсангизда, баъзи бир муҳим маънавий неъматларнинг каму-кўстини қоплай оладиганини топа олмайсиз. Бу неъматларни бизда "қўни-қўшничилик", "оға-инилик", "улфатчилик", "ўзбекона оқибат", "катталар ҳурматда, кичиклар иззатда" каби иборалар билан ифодалашади. Туғилиб ўсган она юртингизда қолган ота-онангиз, туғишганларингизу, ёру-биродарларингизга бўлган соғинч билан уйғунлашиб кетган ватан туйғуси қалб ҳижронига айланиб қолиши муқаррар. Бизку, кўп вақт ўтмай Она юрт ҳавосидан нафас олиш бахтига етишишимизни, у ерда бизни кутишаётганини ўйлаб, бемалолроқ ҳаёт кечирдик. Яратганнинг ўзи асрасин, агар ватанга қайтиш йўлингиз ёпиқ бўлса, сизни у ерда кутишмаётган бўлса, ўз она юртингизга чақирилмаган меҳмон каби келиб кетадиган аҳволга тушиб қолсангиз, бунданда ортиқ жудоликни топа олмайсиз. Зеро, Ватан бу бизнинг ўзлигимиздир, ўзлигидан айро бўлган кишининг ҳар қандай бахти ўзганикидир. Ўзликни эса, алмашиб бўлмас ўзгага.

Шухратжон ЙИГИТАЛИЕВ,
Франциянинг Тулуза I университети толиби, "Умид" жамғармаси совриндори

РАҚАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси тузилганидан шу кунга қадар 625 нафар йигит-қизлар турли хориж мамлакатларига ўқишга жўнатилган. Жумладан, 334 нафари АҚШ, 189 нафари Буюк Британия, 51 нафари Германия, 24 нафари Франция, 20 нафари Япония ва 7 нафари Италия давлатларида таълим олишмоқда.

* * *

Янги ўқув йилида 124 нафар йигит-қиз, жумладан, 75 нафари Буюк Британия, 24 нафари Германия, 8 нафари АҚШ, 8 нафари Канада, 8 нафари Франция, 1 нафари Италия мамлакатларига ўқиш учун жўнатилади. Шуни таъкидлаш лозимки, иқтидорли ёшлар бу йил илк бор Канада давлатида ўқиш имкониятига эга бўладилар.

* * *

Шу кунгача 120 нафардан ортиқ талабалар ўқишларини тугатиб келишди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши бўйича Махсус ишчи гуруҳи тақсимоти билан бир қатор нуфузли идораларда фаолият кўрсатмоқда. 2000 йил охирига қадар эса 160 нафардан зиёд талабалар ўқишни битириб келишади ҳамда юртимизда иш бошлашади.

ЭЛЕКТРОН "ЧОЙХОНА"

Bo'sh vaqt

Хорижий юртда, тинимсиз ақлий меҳнатдан ҳориган пайтда, Ватан ва ватандошлар суҳбатига чанқаган чоғда, кўнгил ўзбекона чойхонага эҳтиёж сеза бошлайди. Ғарбий Европаю Шарқий Осиё ёки уммон орти мамлакатларида чойхонани қайдан топасан дейишингиз мумкин, лекин мана икки-уч йилдирки, "умид"чилар ўз "чойхонаси"га эга. Бу "чойхона"га дунёнинг хоҳлаган мамлакатидан туриб, хоҳлаган пайт "ташриф" буюриш мумкин.

Бу қанақаси, дейсизми? Майли, гапнинг индаллосини айтиб қўя қолайлик. Гап интернетда "умид"чилар томонидан (бу савобли ишда, асосан, Америкада таҳсил олаётган Равшан Исҳоқовнинг хизматлари беқиёс) очилган сайт ҳақида кетмоқда. Рамзий маънода "Чойхона" деб аталган ушбу сайтга кирган нафақат умидчилар, балки ҳар бир инсон ўзбекона ҳазил-ҳузул, аскияю мушоираларга чанқоғини бостириши, дўст-биродарлар билан "дийдорлашиб", ҳол-аҳвол сўрашиши, кези келса дардлашиб, бир-бирининг кўнглини кўтариши мумкин.

Ҳа, айтгандай, интернет орқали "Чойхона"дан ташқари умидчиларнинг сайтида (www.umid.uz) "Баҳсхона"га ташриф буюриб, турли мавзулардаги қизғин баҳс-мунозараларни кузатиш, уларда қатнашиш мумкин. Ушбу сайтдан жой олган "Фото галерея"да "Умид" ва умидчилар ҳаётидан фотолавҳаларни томоша қилиш мумкин. Қисқаси, www.umid.uz умидчиларнинг севимли сайтига, виртуал оламдаги ўз дунёсига айланган. Буни «умид»чилар билан бўлган суҳбатларда ҳам англаш мумкин. Шундай суҳбатлардан бирида Францияда таҳсил олаётган Мурод Шараповнинг таъбири билан айтганда, "XXI асрни электрон "Чойхона"да кутиб олиш имкони туғилди".

Шу ўринда беихтиёр Президентимиз Ислом Каримовнинг "XXI аср интеллектуал баркамол ёшлар асри бўлади" деган сўзлари ёдимизга тушар экан, ана шундай ёшларимиз тобора кўпайиб бораётганидан кўнглимиз шодликка тўлади.

Мухбиримиз.

КЕЛАЖАККА БИР НИГОҲ

Niyat

Ушбу саҳифани тайёрлаш жараёнида бир гуруҳ умидчи талабалар билан учрашиб, уларнинг яқин келажакда ўз олдиларига қўйган мақсад ва интилишлари ҳақида суҳбатлашдик. Суҳбат чоғи, АҚШнинг Вандербилт университетининг магистратура босқичини тамомлаган энг ёш талаба (22 ёш) термизлик Обид Ҳакимов университетнинг "Иқтисод ва иқтисодий тараққиёт" департаменти махсус медалига сазовор бўлганини билдик. Шу йили ўқишни тамомлаб, Ватанга қайтган Обид ўз мақсадлари ҳақида сўзлаб, жумладан шундай деди:

— Мақсадим — уммон ортида ўрганиб келган билимларимни, барча куч-ғайратимни Ўзбекистонимиз тикланиши ва тараққиёти йўлида сарф қилиш.

Суҳбатдошларимиздан яна бири, Франциянинг Тулуза 1 университетида халқаро туризм соҳасида ўқиётган бухоролик йигит Маҳмуд Ҳамдамов келгуси режалари ҳақида сўз кетганда шундай деди:

— Ўқишларим тугагач мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги беқиёс имкониятларини амалга оширишда ғайрат кўрсатишни дилимга тугиб қўйганман. Зеро, Ўзбекистон бутун дунё туристларининг ҳавасини келтириш имкониятларига эга.

Яна бир суҳбатдошимиз АҚШнинг Трой университетида математика-кибернетика соҳасида таҳсил олаётган, пойтахтлик Фаррух Отаев ўз ўқишларини тамомлагач шу соҳада илмий тадқиқот қилмоқни, ўзбек фани ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқни ният қилганини айтди.

Бу ғайратли ёшлар билан ушбу галги суҳбатимиз якунланиб борар экан, улардаги интилишдан кўнглимиз таскин топиб, улар билан келгусида натижалар тўғрисида суҳбатлашмоқни ният қилдик.

Жуманазар БЕКНАЗАР

ЮКСАЛИШ МЕЗОНИ ОИЛА ЗАМИРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мабода стресс ҳолати II даражага ўтса, (ҳар куни қайнона ёки қайнота билан уриш-жанжал, ёш аёлнинг ўтиришида, туришида кўним бўлмаса, кўнгли истаган овқатни вақтида тановул қила олмаса, дам олишнинг тайини бўлмаса ва ҳакозолар), гипоспадиянинг оғир шакллари ривожланади, яъни сийиш тешиги ёрғоқда ёки оралиқда бўлиб қолади. Улар ўғил болага ўхшаб ҳеч ҳам сия олмайдилар ва каттарганларида эса жимога яроқсиз бўлади. Бу норасоликни бартараф этиш учун жуда нозик ва мураккаб пластик операция бажаришга тўғри келади. Албатта, буларнинг барчаси оиланинг мустаҳкамлигига путур етказади.

Агар ёш оилада мутлақо тинчлик бўлмаса, ҳар кунги уруш-жанжалдардан ёш ҳомиладор аёлнинг юрак-бағри куйиб, жигари қон бўлиб, буни бировга айта олмаса, кучли ички изтироблар, қайғу-алам, қўйдирчиқдилардан стресснинг III даражаси вужудга келса, эстерогеннинг катта миқдори ўғил ҳомилага ўтади. Оқибатда шу гормоннинг қизлик жинсий аъзоларининг шаклланишига тескари таъсиридан гермафродит бола туғилиши мумкин. Одатда бундай болаларда ҳам қизлик, ҳам ўғиллик жинсий аъзолари мавжуд бўлади. Тиббиёт нуқтаи назаридан тоза ва расо эркак ёки аёл бўлиши жуда ҳам гумон бўлган инсон етишади. Бу эса оиланинг фожиаси. Ахир, аёл ҳомиладорлик пайтида стресс ҳолатига тушмаса, шу ҳолат мутлақо бўлмасди-ку, ахир! Ахир, бу ҳолдан жамият ҳам, давлат ҳам нуқул ютқазади-ку!

Онанинг ҳомиладорлик пайтидаги руҳий ҳолати салбий бўлишидан рўй берадиган туғма касалликлар (аслини олганда эса улар ортирилган, фақат она қорнида бўлганида пайдо бўлади, холос. Асло ирсиятга бориб тақалмайди) анчагина. Ушбу вазиятда юртбошимизнинг: "... айнан соғлом авлод тарбиясига оид, яъни ёшларимизга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли бурч эканини англатадиган, ҳомиладор аёлни парваришлаш, эъзозлаш, унга тиббий хизмат кўрсатиш, моддий таъминотини ташкил этиш нақадар катта аҳамиятга эга эканини халқимиз онгига синг-дирадиган дастур лозим" деб айтганининг нақадар катта маъно касб этиши ва унинг туб моҳиятини тушуниш жуда муҳим эканини таъкидлаш жоиз. Биз эса юқоридаги кичкина тиббий мисол билан Президентимизнинг гапларини бир қадар исботлашга уриндик, холос.

Шунинг учун яна бир бор таъкидлаш лозимки, ҳомиладорликнинг 4 ойликкача бўлган даври ўта қалтис бўлиб, ташқи шароит, муҳит, оилавий вазият, ўзаро муносабатлар ҳомиладор аёл учун энг ОЛИЙ даражада энг ижобий бўлиши шарт. Мана шу ижобийликни таъминлаш ҳам қайнона-қайнота, қайин ака-укаларнинг ҳамда эрнинг юксак вазифаси бўлиши шарт эканлигини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Ҳомиланинг руҳий дунёси шаклланаётган даврда (асосан 3 ойлик бўлгандан кейин) онанинг нималарни ўйлаши, фикр қилиши, ҳис-туйғуларининг интеллектуал жиҳатдан қай даражада эканлиги бўлажак боланинг қандай тафаккур эгаси бўлишлигини белгилайди.

Онанинг ҳис-туйғулари салбий хусусиятга эга бўлгани боланинг руҳий шаклланишига албатта таъсир кўрсатади. Масалан, мабодо аёл фарзандининг дунёга келишини хоҳламаган, унинг тирик туғилишини истамай, аборт қилиш йўлларини кечаю- кундуз ўйлайверган бўлса, бироқ бунинг уддасидан чиқа олмаганда, туғилган боланинг ҳарактерида одатдан ташқари қуюшқондан чиққан хусусиятлар, салбий сифатлар бўлиши турган гап. Бундай пайтларда "Кимга ўхшаган бўлса...", «қариндош-уруғларнинг биронтасига ҳам ўхшамайдия?! "дея ҳайрон қолишнинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

(Давоми бор).

Jurnalning yangi sonida

БОШҚАРУВ МАҲОРАТИ – ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

"Кишилик тарихи пайдо бўлганидан буён, минг йиллар давомида ҳар қандай мамлакатнинг, ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш бахти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган". Президентимизнинг ушбу сўзлари билан бошланувчи "Таълим тараққиёти" ахборотномасининг навбатдаги 2000 йил 3-сони босмадан чиқди.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон XXI асрга янгиланаётган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожининг ҳамма жабҳаларини, шу жумладан, таълим тизимини ислоҳ қилиш баробарида кириб бормоқда. Таълим эса ҳар бир жамиятнинг бош ажралмас таркибий қисми, маданиятининг ва ривожланишининг юксак кўрсаткичидир. Бу ижтимоий тарбиянинг боғловчи бўғини сифатида маданий анъаналарнинг бутунлиги ва ворисийлигини, бутун жамият тараққиётини таъминлайди.

Биламизки, таълимни бошқариш жараёни энг муҳим ва мураккаб меҳнат тури деб эътироф қилинган. Таълим ривожланиб боргани сари бошқарув нафақат ривожланади, балки мураккаблашиб ҳам боради. Шу ва шу каби таълимни бошқариш масалалари ҳақида "Ахборотнома"нинг асосини ташкил қилувчи "Ўзбекистонда таълимни бошқариш: муаммолар, изланишлар, ечимлар" номли жамоа ишидан билиб олиш мумкин. Бу жамоа иши уч бобдан иборат бўлиб, улар қуйидагилар: I боб. Ўзбекистонда таълимни бошқаришнинг ҳозирги аҳволи. II боб. Таълимни бошқаришнинг моделлари ва тамойиллари. III боб. Ўзбекистонда таълимни бошқариш масалалари ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мувофиқ уларни ҳал қилиш йўллари.

Шунингдек, ахборотномадаги шотландиялик доктор Боб Янгнинг "Ўқитувчилар малакасини ошириш" (TACIS — EDUZ 9602 лойиҳаси), Буюк Британиянинг Бристоль университети ходими Дэвид Олдройднинг "Англия олий таълимида ёзма ишлар" номли мақолалари таълим бошқаруви масалалари билан шуғулланаётган таълим тизимининг фаол ходимларига, олимлар ҳамда мутахассисларга, амалиётчиларга қизиқарли ва фойдали манба бўлиб хизмат қила олади.

Ш.НИШОНОВ

РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

(ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ 2000 ЙИЛ АНЪАНАВИЙ

ЎЗБЕК ТИЛИ

Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларида ўқитиладиган ўзбек тили дарсларида тарихда ўтган буюк алломалар, ёзувчи ва шоирларнинг асарлари орқали ўқувчиларга Ўзбекистоннинг ўтмиши, ўзбек халқининг бой ва ранг-баранг маданий мероси, урф-одатлари, миллий анъаналарини ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўзбек тилида сўзлашишга ўргатиш, ўзбекча жонли нутқни эгаллашга киришиш жараёни ўзаро фикр алмашувда, кундалик мулоқотда ундан фойдаланишни фаоллаштиришдан бошланади. Чунки кўникма амалий фаолият жараёнида шаклланади. Зеро, бошқа миллат вакилларига ўзбек тилини ўқитишнинг амалий йўналишда бўлишига эришиш "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг талабидир. Ўзбек тилида нутқ маданияти талабларига тўла риоя қилишга эришиш, нутқий саводхонликни ўстириш миллий маънавиятни тўғри шакллантиришнинг муҳим омили саналади.

Ўқувчиларни ўзбекча матнни эшитиш ва ўқий билишга, мустақил равишда жонли мулоқотга кириша олишга ўргатишда онглилик, илмийлик, тушунарлилик, кўргазмалилик ва ҳоказолардан фойдаланиб, ўзбек халқининг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва муомала одоби тўғрисидаги билимларни шакллантириш ва унга ҳурмат руҳида тарбиялаш зарурати ҳар бир машғулотнинг марказида туриши лозим. Шу мақсадда янгиланган дарслик ва қўлланмаларда умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этувчи, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи матнлар, ўлка тарихи, маданияти ҳамда маънавиятини улуғловчи адабий-бадиий намуналар, ўқувчиларнинг ёзма нутқ саводхонлигини ўстиришга қаратилган грамматик билимлар ўз ифодасини топган.

Ўзбек тили таълими бўйича август кенгашлари шўъба йиғилишида ўзбек тили дарсларида ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш, уларнинг ёзма нутқ саводхонлигини ўстириш, ДТСнинг амалиётга татбиқи, "Соғлом авлод" дастури, миллий мафкура, ўзбек тили таълимида янги педагогик технология масалалари, шунингдек, янгиланган "Ўзбек тили" дастури бўйича ишлашнинг йиллик якунлари, натижалари, ютуқ ва камчиликлари юзасидан мутахассислар ва амалиётчиларнинг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб, келгуси иш режаларини белгилаб олиш лозим.

2000-2001 ўқув йилидан ўзбек тили дарслари 2-5—синфларда янги ўзбек алифбосида олиб борилади. 5-синфда дарсларни профессор Р.Толипова ва бошқалар томонидан тузилган дастур ва дарслик,шунингдек, амалдаги 5-синф (Р.Йўлдошев) дарслигидан ДТС ва янгиланган дастур талабларидан келиб чиқиб олиб бориш тавсия этилади. 6-7—синфларда амалдаги "Ўзбек тили" дарсликларидан (ижодий ёндашган ҳолда) фойдаланиш мумкин. 8-синфда "Ўзбек тили" (Р.Йўлдошев ва б., янги дарслик), 9-синфда "Ўзбек тили" (М.Усмонова, янги дарслик), 10-11—синфларда "Ўзбек тили" (Э.Азларов ва б.) дарслигидан фойдаланилади.

Машғулотларни ташкил этишда ўқитувчиларга методик ёрдам сифатида қуйидаги ўқув-методик адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилмоқда.

— Ўзбек тилидан ДТС (Р.Йўлдошев ва б.) ҳамда "Ўзбек тили" дастури (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 5-9—синфлари учун. Р.Толипова ва б.), "Таълим тараққиёти". Махсус сон, №1, Тошкент, 1999.

— Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-4—синфлари учун "Ўзбек тили" дастури (Р.Толипова ва б.). "Тил ва адабиёт таълими" журнали, 1999 йил, 5-6-сон.

— Ўзбек тили таълими ва янги педагогик технология. Тошкент, 2000.

— "Ўзбек тилидан ДТСнинг амалиётга татбиқи" (Р.Йўлдошев. Тошкент, 2000).

— "Ўзбек тили ва адабиёти дарсларида ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш" (А.Рафиев. Тошкент, 1999).

— "Таълим жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш" (ҲТДА бешинчи йиғини тезислари тўплами. Тошкент, 1999).

— Ўзбек тилидан тест топшириқлари (таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 11-синфлари учун. Тошкент, 1999).

— "Тил ва адабиёт таълими" журнали, "Маърифат" газетаси.

Ўзбек тили таълими бўйича шўъба йиғилишларида муҳокама учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

— Ўзбек тилидан Давлат таълим стандартининг амалиётга татбиқи.

— Ўзбек тили таълими ва янги педагогик технология.

— Ўзбек тили таълимида рейтинг тизими.

— Миллий маънавиятнинг шаклланишида ўзбек тилининг ўрни.

— Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш.

— Ўзбек тили дарсларида ёзма иш турлари ва уларни баҳолаш.

— Ўзбек тили дарсларида тест топшириқлари билан ишлаш.

— Ўзбек тили дарсларида миллий мафкура масалалари.

— Ўзбек тили дарсларида ўқувчиларни мустақил ижодий фикрлашга ўргатиш.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ТАРИХИ

2000-2001 ўқув йилида тарих фани ўқитувчиларининг шўъба йиғилишларида Давлат таълим стандартлари ҳамда янги мазмундаги Давлат дастурлари асосида ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган тушунча, билим, малака, кўникмаларга асосий эътиборни қаратган ҳолда иш режасини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг 2000 йил 6 апрель куни "Миллий мафкура — келажак пойдевори" мавзусига бағишланган йиғилишда билдирган фикрлари, айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ўқувчи-ёшлар қалби ва онгида миллат, Ватан, имон-эътиқод ҳиссини мустаҳкамлаш, уларни ёт ғоя таъсиридан асраш билан бирга келажагимиз эгаларига миллий истиқлол мафкурасини сингдириш ва соғлом авлодни шакллантириш масалалари ўқитувчилар диққат марказида бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 майдаги «Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгиликларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 208-сонли қарорига мувофиқ дарсликлар миллий ғоя, истиқлол мафкураси асосида экспертизадан ўтказилиб, жорий ўқув йилида фойдаланишга тавсия этилди. Экспертиза хулосалари асосида 5-7 синфлар бўйича махсус тавсиянома тайёрланади.

Ўзбекистон ва жаҳон тарихи дарсларини қуйидагича режалаштириш тавсия этилади:

5-синф (34 соат). "Ватан тарихидан ҳикоялар" курсида энг қадимги даврдан ҳозирги кунларгача бўлган мамлакатимиз тарихидан энг муҳим воқеалар фан асослари сифатида эмас, балки ҳикоя тарзида ўрганилади. Ушбу синфда академик Б.Аҳмедов муаллифлигида 1998 йил чоп этилган "Ватан тарихидан ҳикоялар" дарслигидан фойдаланилади.

6-синф (34 соат). Юртимиз тарихининг энг қадимги давридан милоднинг V асригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу синфда А. Саъдуллаев ва бошқалар томонидан яратилган (1998 ва 1999 йилларда чоп этилган) "Ўзбекистон тарихи" дарслигидан фойдаланилади.

7-синф (51 соат). Мамлакатимиз тарихи милоднинг V асридан XVI асригача бўлган даврни қамраб олади. Мазкур синфдаги дарсларда А. Муҳаммаджонов муаллифлигида яратилган (1999 йилда чоп этилган) "Ўзбекистон тарихи" XVI асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни қамраб олади. Мазкур давр тарихининг янги дарслиги нашрдан чиқмагани сабабли (Р.Муқминова ва бошқалар) 1994 йилда чоп этилган 7-синфлар учун "Ўзбекистон тарихи" дарслигидан ДТС ўқув дастури асосида фойдаланилади.

9-синф (51 соат). XIX аср ўрталаридан XX асрнинг 1917 йил февралига қадар бўлган тарихий давр қамраб олинади. Бу даврни ўрганиш учун (Ж.Раҳимов, 1999 й) янги дарсликдан фойдаланилади.

10-синф (68 соат). "Ўзбекистон тарихи" 1917 йил февралидан халқимизнинг миллий истиқлолга эришувига қадар бўлган даври ўрганилади. Мазкур давр тарихи бўйича янги дарслик нашрдан чиқмаганлиги сабабли (Қ.Оқилова ва бошқалар), 1995 йилда чоп этилган 9-синф "Ўзбекистон тарихи" дарслигидан 1999 йилда чоп этилган ўқув дастури асосида фойдаланилади.

МАЪРИФАТНИНГ МАНГУ МУҲРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Зеро, ҳозирги замонда жаҳон цивилизацияси шундай бир босқичда турибдики, миллатнинг салоҳиятини унинг нуфузи эмас, ақлий-маърифий даражаси, кашфиётчилик иқтидори, илмий идроки белгиламоқда. Шу боис ҳам, маърифат миллатга қанот бағишлайди. Бу қанотлар билан биз жаҳонга парвоз қилишга шайланмоқдамиз. Маърифат шижоатини, тўлқинини ҳеч нарса билан жиловлаб бўлмайди. Тафаккурда уйғонган шижоат билакдаги шижоатдан қудратли, умри узун, оқибати ҳамиша эзгудир.

"Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади". Мамлакатимизда таълим ва маърифатга бугун давлат, миллат ва истиқлол келажаги сифатида қаралмоқда. Бу сиёсатнинг мақсади одамлар ҳаётига сингиб бормоқда, уларнинг руҳига кўчиб ўтмоқда. Бугун одамларимиз болаларига яхши таълим ва билим бериш ниятида яратилган барча имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишга интилмоқдалар. Ҳамманинг тилида — лицей, гимназия, коллеж! Мамлакатда маърифатчиликнинг янги тўлқини вужудга келди. Таълим билан боғлиқ Президент Фармонлари, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, ҳукумат қарорлари ҳаётда тўла ўз инъикосини топаяпти. Бу янги жаҳон урушини бошдан кечирган бўлса-да, одам боласига хос азалий рақобат ва мусобақа — илм-фан, тараққиёт, маърифат мусобақасига айланди. Бир пайтлар жангарилик миллат қиёфасини белгилаган бўлса, бугун маданий юксаклик асосий ўлчовга айланди. Кимлардир қачондир жаҳолат тўфонлари билан ном қолдиришган бўлса, бугун миллатни маърифат ва маърифатпарварлар жаҳон саҳнасига олиб чиқмоқда. Адоғига етаётган асримизнинг энг нодир, энг эъзозли хислатию сабоғи ҳам ана шунда. Инсоният янги — Маърифат эрасига қадам қўймоқда.

Келгусида сайёрамиздаги ҳаёт ва инсоният келажагига нималар хавф солаётгани бугун бир қадар маълум. Одамлар бу хавф-хатарлардан халос бўлиш ниятида тинимсиз бош қотирмоқдалар, турли-туман йўлларни таклиф қилмоқдалар. Келажак тақдирдан фол очмасдан — инсониятни барча бало-қазолардан маърифат халос қилиши мумкин, деган фикрни айтишга цивилизациямиз тарихи гувоҳлик бериб турибди. Ҳар бир қўяётган қадамимиз, қилаётган ишимиз, ўй-фикримиз моҳиятида маърифат ёғдулари нур сочса, ҳаётимиз, ишимиз ва тафаккуримизда маърифат мангу муҳрланса — остонамиз ойдин, келажагимиз барқарор бўлиб, улуғ орзулар ўз ижобатини топиши муқаррардир.

Шаҳзода МУҲАМЕДОВА

СОҒЛОМ АВЛОД ВА МАҲАЛЛА

Соғлом авлоднинг тарбияси маҳаллалар зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса, соғлом авлод йилида фарзандларимизнинг ҳар томонлама камол топишида маҳалланинг ўрни бениҳоя каттадир. Бу соҳада пойтахтимизнинг Ҳувайдо маҳалласида бир қанча ишлар амалга оширилди. Маҳалла марказида жойлашган 39-оилавий поликлиника ва 169-мактабда қатор амалий ишлар турмушга тадбиқ этилмоқда. "Соғлом авлод" дастури бўйича режа тузилиб, ҳар бир йўналиш асосида ишчи гуруҳи, яъни аниқ ижрочилар белгиланди.

Маҳалламизда 2 та спорт майдони бўлиб, тўлиқ таъмирланди. Кўплаб спорт мусобақалари, байрам тантаналари ўтказилди.

Бундан ташқари, спорт байрамида баскетбол бўйича беллашувлар ҳам бўлиб ўтди. Унда туман, шаҳар спартакиадаларининг ғолиблари ва совриндорлари бўлган қизлар ўз маҳоратларини кўрсатдилар. 5 та маҳалланинг оилавий командалари шаҳмат ва шашка бўйича беллашдилар.

Спорт ўқитувчиси Файзулла Маткаримов болалар билан ишлашни яхши билади, ҳатто тарбияси оғир болаларни ҳам спортга жалб эта билади.

Маҳалламизда ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кучайтириш, улар жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланиши учун поликлиника, мактаб, маҳалла биргаликда машғулотлар олиб боради. Соғлом авлод барча эзгу мақсадларимизнинг келажагидир. Айниқса, аёл ва фарзандларимизга нисбатан янада кўпроқ эътибор қаратилаётгани қувонарли воқеадир. Соғлом авлод дастури бўйича муҳим устувор йўналишлардан бири она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва сақлашдир.

Соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади, шунинг учун шифокорларимиз янги келинлар билан иш олиб боришни йўлга қўйишган. Янги оила соҳибаси ҳомиладор бўлиши билан ҳамшираларимиз бўлажак оналарнинг соғлигига аҳамият беради.

Бу даволаш масканида балоғат ёшидаги қизлар соғлиги текширилиб, уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлишларига эътибор қаратилади.

Маҳалла хотин-қизлар кенгаши билан биргаликда "Соғлом авлод" дастуридаги олтита йўналиш бўйича суҳбат ва мунозаралар олиб борилиб, аҳолининг бу соҳада аниқ тушунчага эга бўлишларига эришилмоқда. Айниқса, бу соҳада шифокор-гинекологларнинг балоғат ёшидаги қизлар ва уларнинг оналари билан ўтказган учрашувлари қизғин савол-жавоблар билан ўтади. Ўсмирларни ҳарбий хизматга ҳар томонлама соғлом қилиб тайёрлаш, яъни барча кўриклардан ўтказиб, саломатликларини тиклашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Олим НУРМАТОВ,
Ҳувайдо маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Bolangiz maktabga tayyormi?

ОТА-ОНА БОШ ТАРБИЯЧИ

Бугунги кун тиббиёти бола туғилганидан эмас, балки онанинг ҳомиладорликдан олдинги соғломлик ҳолати ва ҳомилалик давридан бошлаб изчил тарбия зарурлигини уқтирмоқда. Онанинг носоғломлиги ҳомилага жиддий таъсир кўрсатади. Ўз-ўзидан маълумки ҳомила бу фарзанд. Айни пайтда онанинг носоғломлиги ҳомиладорлик даврида турли асаб ва нохуш кайфиятларни содир этадики, бу болага нисбатан эътибор ва диққатини сусайтиради.

Болалар соғлигини тиклаш ҳам алоҳида бир муаммо. Қишлоқ ва шаҳар стационарларидаги аҳволни бирдек яхши деб бўлмайди. Иккинчидан, аҳвол яхши бўлган жойларда даволаниш тўлиқ бажарилмайди. Бир кунлик даволаниш 275 сўмни (бир болага) ташкил этганда, ҳамма ота-оналар болаларини стационарларга олиб келишмайди. Кўриниб турибдики, аҳвол анча мураккаблашган. Агар мавжуд муаммолар ўз вақтида бартараф этилмаса вазият янада оғирлашиши турган гап.

Яна бир эътиборга молик нарса шуки, бугун мактабга бораётган болаларнинг билим даражаси, илмга лаёқатлилигини бир хил деб бўлмайди. Кимдир боласини аввал репететорга бериб кейин мактабга юборади. Кимдир боғчадан, оиладан тўғри мактабга йўл олади. Натижада бола тайёргарлиги даражаси турлича бўлиб қолади. Хўш, ўқитувчи уларнинг ҳар бирисига қандай тарбия, таълим бериши керак?

Юртбошимиз 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилди. Бундан мақсад, юқорида тилга олинган масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаш, қўшимча шароитлар яратиш, энг аввало, фарзандларимизнинг ҳар томонлама камолотга эришишини таъминлашдир. Аслида бу саъй-ҳаракатлар мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ бошланган эди. Ўтган давр мобайнида бу борада қилинадиган ишларга ҳуқуқий замин яратилди. Кенг имкониятлар очилди. Ва бу йилги "Соғлом авлод йили"да уларнинг ижросини амалга ошириш энг муҳим масалалардан ҳисобланади.

Куни кеча Тошкентда Республика таълим ишлари бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг кенгаши бўлиб ўтди. Унда ЮНИСЕФ — БМТнинг болалар фонди, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Маҳалла" жамғармалари раҳбарлари иштирок этишди. Кенгаш ўз ишини оила тарбиясини юксалтириш, мактабгача тарбия ва мактабда ўқитиш мезонлари, жамоат бирлашмаларини таълимга жалб этиш дастурлари тақдимоти билан бошланди.

Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев кенгаш ишини бошқарар экан, болаларни мактабга тайёрлаш механизмини ташкил этиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

—Бунинг учун мактаблар қошида болаларни мактабга тайёрлаш марказларини ташкил этишни мўлжаллаяпмиз, - деди вазир. —Айни пайтда бундай марказнинг тузилиши, молиявий жиҳатлари ва методик йўналишларини ишлаб чиқиш лозим. Бу мактабгача таълимдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Бугун шу масалаларни муҳокама этгани Қарақолпоғистон Республикасидан, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм вилоятларидан халқ таълими ходимлари, мутасаддилар йиғилишган. Аниқ, бир тўхтамга келишгач, белгиланадиган дастур Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, ЮНИСЕФ ва "Маҳалла" жамғармалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Кенгашда вилоятлардан келган ўқитувчилар тақдим этилган дастурларни муҳокама қилишди. Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Абдуллаеванинг бу ҳақдаги фикрлари юқоридаги масалаларга ойдинлик киритди.

—Кенгаш асосан иккита блок асосида иш олиб борди. Биринчиси, ота-оналар тарбияси ўқувини ташкил этиш бўлса, иккинчиси ноанъанавий таълим масканларини қўллаб-қувватлашдир. Биз оилада бола тарбиясини бош мақсад қилиб қўйганмиз. Болани ким тарбия қилиши керак ва қандай? Албатта, ота-она бош ва биринчи тарбиячидир. Биз унинг методик ва бошқа ўқув услубларини жорий этиш тараддудидамиз. Шу билан бирга оналарга психологик хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўямиз. Бу болаларнинг тарбиясида уларга ҳар томонлама қўл келади. БМТнинг болалар фонди барча ташкилий ва маърифий ишларимизга ўз хайрихоҳлигини билдирмоқда.

Ҳа, соғлом авлод бу биз-нинг келажагимиз. Келажак эса бир зум ёддан чиқмаслиги зарур.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Мусобақа ўқишга, ўрганишга, изланишга, ғолибликка интилишга чорловчи жараён. Бу эса инсон маънавиятининг юксалишига хизмат қилади. Шундай мақсадни кўзлаб Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси билан газетамиз ҳамкорлигида ташкиллаштирилган "Миср — 8 минг йиллик маданият бешиги" номли мусобақа ғолиблари матбуотда эълон қилинган эди. Мусобақа шартларига кўра, 6 нафар мутлақ ғолиб Мисрга бепул саёҳат йўлланмаси ва бир қанча ғолиблар қимматбаҳо ҳамда эсдалик совғалари соҳиблари бўлишганди. Яқинда Республика байналмилал маданият марказида мукофотланганларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

— Яхши ниятлар билан уюштирган танловимиз ўз ниҳоясига етди. Аввало, ғолибларни зафар билан қутлайман. Ғолиб бўлолмаганлар эса хафа бўлишмасин, негаки, ушбу мусобақа ғолибларни моддий томондан рағбатлантирган бўлса, қолганларнинг эса Миср ҳақидаги тасаввурлари кенгайишига хизмат қилади, — деди Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси раиси Раъфат ас-Сабъа. — Яна шуни айтиш жоизки, мен ушбу танловда қатнашган ўзбекистонликларнинг билим савияси юқорилиги, фикр доирасининг кенглиги, ўзга халқлар маданиятидан яхши хабардор эканлигининг гувоҳи бўлдим. Ва бундан хурсандман. Улар йўллаган хат-жавоблар шундай дейишимга асос бўлди.

Кечада иштирок этган Миср Араб республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, доктор Мамдуқ Шавқий ҳам мусобақа материалларини ёритишда фаол иштирок этган маҳаллий оммавий ахборот воситалари ҳамда мусобақа қатнашчиларига совға ва мукофотлар ажратган Мисрнинг маълумотлар Давлат хизмати, МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик Миср жамғармаси каби ташкилотларга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Кечада, шунингдек Ўзбекистон — Миср дўстлик жамиятининг раиси, профессор Неъматулло Иброҳимов ҳам қатнашди ва сўзга чиқди.

Яна шуниси эътиборга лойиқки, бир қатор жорий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчилари, уларнинг оила-аъзолари ҳамда мусобақа ғолибларининг қариндош-уруғи, ёр-биродарлари иштирок этган ушбу тадбир бошланиши олдидан Мисрда ўтказилган "Миср: кеча ва бугун" расмлар кўргазмасида ғолиб чиққан ўзбекистонлик ёш, иқтидорли рассом Ойбек Исломовнинг Мисрга бағишланган расмлар кўргазмаси очилди. Намойишга қўйилган расм ва лавҳалар барча йиғилганларда катта таассурот қолдирди ҳамда улар ёш ўзбек ўғлони келажагига улкан зафарлар тиладилар.

Тадбир сўнгида ардоқли санъаткорлар Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева ҳамда кўпгина хориж мамлакатларида ўтказилган фестивалларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаган "Сўғдиёна" дастаси ижро этган куйқўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли,
"Маърифат" мухбири.

Суратларда: тантаналли маросимдан лавҳалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

E'tibor

ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲИММАТИ

Ички имкониятлардан самарали фойдаланаётган, ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлари билан узвий боғлиқликда ташаббускорлик ишларини амалга ошираётган таълим муассасалари республикамизда кўплаб топилади.

Хўш, бу жараён шаҳри азим аталмиш Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тасарруфидаги таълим-тарбия муассасаларида қандай кечмоқда? Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Эргаш Ҳошимович Магдиев бу хусусда қуйидачиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "Таълим муассасаларида сармоядан ташқари қўшимча маблағ топиш йўналишлари" мавзуида тавсиянома ишлаб чиқилдики, мазкур кўрсатма жойларда қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда маблағ топишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, бошқармамиз тасарруфида таълим-тарбия муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган оталиқ ташкилотларининг фаолияти, айниқса, таҳсинга сазовордир. Оталиқ ташкилотлари томонидан кўрсатилган беғараз ёрдам жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича 50870 мингни ташкил этди.

Амалий ёрдам кўрсатаётган оталиқ ташкилотларидан Ҳамза туманидаги "Тошмаргёғ" акционерлик жамияти 156-мактабни таъмирлаш учун 1 млн. сўм, мазкур тумандаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 166-мактабни таъмирлаш учун 2 млн. сўм, Собир Раҳимов туманидаги "Баққоллик" акционерлик жамияти тумандаги 326-мактаб таъмири учун 1,5 млн. сўм, Сирғали туманидаги 13-кўприк қуриш отряди тумандаги 109-болалар боғчасини таъмирлаш учун 1 млн. сўмлик ёрдам кўрсатдилар. Бу рўйхатни янада давом эттириш мумкин.

Хайрли ишлар бесамар кетмайди. Қилинаётган савобли ишлар келажагимиз ворисларига бўлмиш ёш авлоднинг янада соғлом, пухта билимли, юксак маънавият-маърифат соҳиби бўлиб етишишларида муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиздир.

Алижон ТУРСУНМАТОВ

XXI АСР БЎСАҒАСИДА

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА ТАВСИЯЛАР)

11-синф (68 соат). Мустақиллик даври тарихидан иборат. Ушбу синфда (Н.Жўраев ва бошқа), "Ўзбекистон тарихи" дарслигидан, 1999 йилда чоп этилган ўқув дастуридан фойдаланилади (Т., "Шарқ", 1998 й.).

"Ўзбекистон тарихи" материалларини чуқурроқ ўрганиш имкониятини яратиш ҳамда рейтинг тизимидан унумли фойдаланиш мақсадида дастурнинг айрим бўлимларида заҳира дарс, умумлаштириш дарслари, шунингдек, ўлкашунослик материалини ўрганиш учун тегишли вақт ажратилган бўлиб, улардан фойдаланишнинг ўрни, ҳажми ва характери ҳақидаги масалани ўқитувчининг ўзи ҳал қилади.

Жаҳон тарихидан ушбу ўқитиш услубияти тавсия қилинади:

"Жаҳон тарихи" "Ўзбекистон тарихи" билан 5 — 11-синфларда ёнма-ён ўқитилади. Бунда баъзи мавзуларда умумийлик бўлиши мумкин. Бироқ, "Жаҳон тарихи" Ўзбекистон давлати мавзусини кенг маънода ўрганади. Янги мазмундаги жаҳон тарихи дастурида ушбу масалалар ўз ифодасини топган.

5-синф (34 соат). "Жаҳон тарихидан қиқоялар" ўқитилади.

Бу янги курсни ўқитишдан асосий мақсад - ўқувчиларга қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган дунё тараққиётидаги энг муҳим воқеалар ҳақида содда тушунчалар беришдир. Шунингдек, инсоният босиб ўтган йўл ҳақида, тарихий даврлар тўғрисида, Ватан тарихидан ҳикоялар билан ёнма-ён равишда ўқувчиларда тасаввур ҳосил қилиб, уларни мустақил равишда ўил ва даврларни ҳисоблашга ўргатиш, "Жаҳон тарихи" тизимида Ўзбекистоннинг ўрнини белгилаш ва ватанпарварлик ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Мазкур давр тарихининг янги дарслиги ҳали нашрдан чиқмагани сабабли, ДТС ўқув дастури асосида амалдаги дарсликлардан ижодий фойдаланган ҳолда ўрганилади.

6-синф (34 соат). Энг қадимги давр, қадимги Шарқ ва қадимги Греция ҳамда Рим тарихи ўрганилади.

Мазкур давр тарихининг янги дарслиги ҳали нашрдан чиқмаганлиги учун (А.Кабиров муаллифлигида яратилган) 1995 йилда чоп этилган 5-6—синфлар учун "Жаҳон тарихи" дарслигидан, ДТС талабига мос ўқув дастуридан фойдаланилади.

7-синф (51 соат). Ўрта асрлар даврини, милоднинг 476 йилидан 1640 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу синфда (Т.Салимов ва С.Маҳкамов) "Жаҳон тарихи" дарслигидан фойдаланилади.

8-синф (51 соат). Янги давр (1640-1870 йиллар) ўқитилади. Мазкур давр тарихининг янги дарслиги нашрдан чиқмагани сабабли ДТС ўқув дастурига ижодий ёндашилган ҳолда фойдаланилади.

9-синф (51 соат). Янги давр. Франция-Пруссия урушидан бошлаб (1870 й.) 1-жаҳон урушигача (1914 й.) бўлган тарихий воқеалар ўрганилади. Мазкур давр тарихининг янги дарслиги нашрдан чиқмагани сабабли ДТС ўқув дастурига ижодий ёндашилади.

10-синф (68 соат). Жаҳон тарихининг энг янги даври (1914-1945 й.) ўрганилади. Бу даврни ўқитишда Г.Ҳидоятовнинг (1999 й.) "Жаҳон тарихи" дарслиги ва ўқув дастуридан фойдаланилади.

11-синф (68 соат). Энг янги давр (1946-1999 й.) ўрганилади.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

8-синф "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари", 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ" курслари ўқитилади.

Мазкур курсларнинг янги дарсликлари тайёрланиш босқичида бўлгани учун иккала курс учун (О.Каримова ва Ҳ.Тўйчиева, 9-синф) "Давлат ва ҳуқуқ асослари" ўқув қўлланмасидан (ДТС ўқув дастурига ижодий ёндашилган ҳолда) фойдаланилади.

Мазкур курсни ўқитиш масалаларида шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, демократик-ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш учун юксак ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий маданият зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлисининг 1-сессиясида "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз" мавзусида баён қилган, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи шўъба йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлиши зарур.

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида "Конституция ва биз" ўқув қўлланмасидан (М.Тансиқбоева ва О.Муҳаммаджонов), (Т., "Адолат", 1998 й.) ва мамлакатимизнинг Асосий қонунига бағишланган бошқа қўлланмалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ДИНЛАР ТАРИХИ

9-синфда "Ўзбекистон тарихи" ва "Жаҳон тарихи" предметлари таркибида ("Ўзбекистон тарихи"дан 17 соат, "Жаҳон тарихи"дан 17 соат) жами 34 соат "Динлар тарихи" ўрганилади.

Машғулотларни ўтишда "Дунё динлари тарихи" дастури ва ўқув қўлланмасидан (Й.Саиджонов ва У.Жўраев. 1998 й.), (Т., "Шарқ", 1998 й.) фойдаланилади.

Ушбу курс таркибида "Диний экстремизм ва фундаментализм тарихи, моҳияти ва бугунги хавфи" мавзуида 10 соатлик махсус курс ўрганилади. Курсни ўрганишда "Диний экстремизм ва фундаментализм" (М.Лафасов ва бошқалар, 1999 й.) ўқув қўлланмасидан фойдаланилади.

"Динлар тарихи" курси таркибида "Ҳадис илми сабоқлари" мавзусида ҳам машғулотлар ўтказиш тавсия қилинади.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

"Инсон ва жамият" курсини ўрганишга 34 соат ажратилган бўлиб, ушбу ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 11-синфлари учун Халқаро Қизил Хоч қўмитаси, Ўзбекистон Қизил ярим Ой жамияти ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида яратилган 8 соатлик "Инсон ва жамият" курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси" ва ўқитувчилар учун методик тавсиялардан фойдаланилади.

Шўъбанинг асосий вазифаларидан яна бири, тарих фанидан янги ўқув дастурини таҳлил қилиш билан бирга, ундаги ўзгаришлар, янгиликлар билан ўқитувчиларни таништириш, янги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий адабиётлардан хабардор қилишдир.

Маъруза ва ахборотларнинг тахминий мавзуси

1. Тарихни янги педагогик технология асосида ўқитиш.
2. Ўзбекистон тарихига оид дидактик материаллардан ЭҲМ ёрдамида фойдаланиш.
3. Мактабда тарихий ўлкашунослик ишларини ташкил этиш методикаси.
4. Тарих фанидан метод-бирлашма ишларини диагностик таҳлил асосида ташкил этиш.
5. Тарихдан ўқув ўйинларини ўтказиш тажрибасидан.
6. Тарих фани бўйича ўқувчиларни тест синовларидан ўтказиш ва уларни рейтинг усулида баҳолаш.
7. "Инсон ва жамият", "Ҳуқуқ" дарсларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов асарларидан фойдаланиш.
8. "Инсон ва жамият" дарсларида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги ғоясини ўқувчилар онгига сингдириш.
9. Ҳуқуқ дарсларида ҳуқуқшуносликнинг турли тармоқларига оид республика қонунлари моддаларидан фойдаланиш.
10. Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси ва саводхонлигини юксалтириш борасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар билан ҳамкорлик.
11. Давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.
12. "Сиз ҳуқуқни биласизми?" танлови ва фан олимпиадасига ўқувчиларни тайёрлаш.
13. Тарих дарсларида курслараро боғланиш воситасида таълим самарадорлигини ошириш.
14. Тарих дарсларида миллий ғоя ва миллий тафаккурни шакллантириш.
15. Тарихий хотира, аждодлар ёди — муқаддас туйғу, буюк келажакни яратиш омили.
16. Ҳуқуқ ва динлар тарихи дарсларида Абу Мансур Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний меросидан фойдаланиш.

(Давоми бор)

2000 yil — Sog'lom avlod yili

ҲАР СОНИЯ ҲИСОБДА

Ўсиб келаётган авлод тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Бунда, айниқса, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг аҳамияти каттадир. Ана шуларни ҳисобга олиб, таълим-тарбиянинг дастлабки кунлариданоқ ҳар бир дақиқани ҳисобдан чиқармаслигимиз лозим. Зиммаларидаги ана шу вазифаларни ҳисобга олган билим юртимиз жамоаси ўз иш фаолиятларида батафсил тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни изчил амалга оширишни таъминламоқдалар.

Барча ўқув хоналари, ўқув биноларида маърифий, маънавий ишларни акс эттирувчи бурчаклар, хоналар ташкил этилган ва жиҳозланган. Гуруҳ хоналарида республикамиз мустақиллигини мадҳ этувчи бурчаклар, деворий кўргазмалар жонли тасвирлар асосида ташкиллаштирилган.

Камолот ва билимга ҳеч бир одам бирданига эриша олмайди. Бу борада улар учун ибрат бўла оладиган тимсоллар — биз катталарнинг ҳатти-ҳаракатларимиз муҳим ўрин тутади. Шуларни назарда тутиб, турли учрашув, суҳбат ва савол-жавоб кечалари уюштириб бораётирмиз. Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева, шоир Маъруф Жалил, шоиралар Гулжамол Асқарова ва Муҳтарама Улуғованлар билан ўтказилган қизиқарли ижодий учрашувлар ана шулар жумласидандир. Турғун Азизов, Риҳси Иброҳимова, Мадина Муҳторова каби кўплаб таниқли санъаткорлар билим юртимизда бўлишиб, талабаларимизга ўз ҳаёт ва ижод йўллари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

"Ўзбекфильм" киностудияси маҳсулоти бўлган "Тилсимой ғаройиб қизалоқ", "Отамдан қолган далалар", "Севги", "Кичик табиб", "Тилла бола" каби киноларни жамоа бўлиб кўришни йўлга қўйдик.

Айниқса, ёшларимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини оширишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар ходимлари иштирокида бўлиб ўтаётган тадбирларда ёшлар ўртасида турли жиноятчиликнинг олдини олиш, диний экстремизм ва гиёҳвандлик мавзулари асосий ўрин тутади.

Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинага кўтариладилар. Жамланган тажрибани эса ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган навбатдаги авлодга етказиб беради. Бу борада биз педагогларнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бўлишини ҳар сония ҳис қилишимиз зарур.

Ҳамротош ШОДИЕВА,
Каттақўрғон педагогика билим юрти директори

Кўпни яқин тутар ўзига. Ёмондан ҳам яхшилик излар,

Бир кунда бу ерга 80-90 киши "ташриф" буюради ва даволаш, албатта, пуллик. Гапнинг қисқаси, ичувчилар ўйлаброқ ичадиган бўлишди.

Йўлдош СУЛАЙМОН

Ko'ngil bitiklari

ОСМОН ҚУШИҚ, ЕР ҲАМ ҚУШИҚДИР

СЕН ҲАМ ТИНГЛА

Боғимга қўнган булбул,
Излаганинг фақат гул.
Ундан-бунга кўчмай тур,
Андай гап бор учмай тур.
Тўхта ёнингга борай,
Сенга дилимни ёрай:
Ўйласам ўйинг чакки,
Ўзингни боғнинг якка —
Куйчиси деб керилма,
Манманликка берилма!
Яна бошқа қушлар бор,
Уларни ҳам хушлар бор.
Ҳаммамизда ишқий жон,
Булбулгинам, булбулжон!
Юрагингни тор этма,
Муҳаббатга зор этма,
Мурувват жуда арзон,
Эшитиш керак баъзан.
Менинг ҳам бор овозим,
Тинглаш сенга ҳам лозим!

ШОИР

Азим Суюнни ўқиб

Муҳаббатнинг бағрида яшар,
Мўъжизадир унга ҳар башар.
Кўзлардан нур олар кўзига,
Кўпни яқин тутар ўзига.
Ёмондан ҳам яхшилик излар,
Бисотида энг қайноқ сўзлар.
Сархушланар баланд тоғлардан,
Баҳра олар гўзал боғлардан.
Оҳанг топар қушлар куйидан,
Шеър ясанар унинг ўйидан.
Тун ҳам гўё тенгсиз жозиба,
Қора сочвон ёпинган зебо,
Юлдузларга ёниб тикилар,
Ана шунда илҳом тўкилар —
Қуйилади дили-дилидан,
Шеъри янграр ҳофиз тилида.
Унингча тонг найнинг навоси,
Илоҳидай унинг ҳавоси.
Гўдакларнинг қиқирлашини,
Чашмаларнинг биқирлашини,
Шаршаранинг шовуллашини,
Қуёш бобо ловуллашини —
Оқ қоғозга кўчириб борар,
Не ёқмаса ўчириб борар.
Осмон қушиқ, Ер ҳам қушиқдир,
Оқаётган сувга ошиқдир.
Ям-яшилдир у кезган майдон,
Гоҳ нимадир излайди майдан.
Орзулари буюқдир унинг.
Нурга тўлсин ҳар битта куни —
Ўйламайди ўзини шоир,
Ардоқлайди сўзини шоир.
Юрагини тақдир тирласа,
Мазза қилиб йиғлар йиғласа.
Эзгуликка йўғрилгандир қад,
Соғингани фақат муҳаббат!

ҚУШИҚ ҚУЙИЛЯПТИ

Меҳригиё тўла ўтли нигоҳи
Ушлаб-ушлаб қўйди елкаларимни,
Қўшиқ қуйиляпти қарашларидан,
Адаб-ҳаё шундай ё эркаларми?
Дардимнинг шифоси ошиқликмиди,
Дармонимга бехос қўшилди дармон.
Арзу додим етиб, наҳот ушалди
Мени азобларга ташлаган армон!

СЕВГИ КУЙИ

Муҳаббат ёнади дилим ичида,
Умрим фақат ундан олади озиқ.
Қошу кўзларидан таралган куйни
Айтиш пешонамга битилган ёзуқ.
Дарё қирғоғида чанқаган менман,
Диёнатдир ахир унинг гўшаси.
Аҳли донишларим, мени ҳам ошиқ -
Мошиқлар сафига энди қўшасиз!

МУҚАДДАМ

Босган изларимга қарасам гоҳ-гоҳ,
Энг аввал кўринар фақат бир нуқта:
Нега унга бунча ёпишиб олдинг,
Бир умр бугунинг ўшами, тўхта!
Муқаддам, муқаддам, муқаддамимсан,
Наҳотки, кечаги ўтган кунимсан?
Вақтсан, узоқлашиб боряпсан, аммо —
Менинг юрагимдан кетмас қўнимсан.
Сендан бошланган-ку ахир ҳаётим,
Умидимнинг ёлғиз суянчиғисан.
Кеча ҳам, бугун ҳам жондай турибсан,
Вужуд-вужудимнинг ҳамон чўғисан.
Муҳаббат бағрида ёниб яшайди
Кечаги кунидан куч олган одам.
Ҳали хотимага шошилганим йўқ,
Муқаддам, муқаддам, яна муқаддам!

УМРИМ ДАВОМИ

Боғ оралаб юрибсан жоним,
Тунда кўкни ёритган ойдай.
Изларингдан оқиб боряпти
Қўшиқларим мисоли сойдай.
Юзларингни силаб-сийпалаб,
Хуш бўй олиб учяпти еллар.
Нафасингнинг асалларидан
Тўйиб-тўйиб ичяпти еллар.
Ёз ўз тонги сўлимлигини
Сендан олиб кетар тунлари.
Эшитилар қадамларингдан
Муҳаббатнинг ширин унлари.
Энтикаман кўзим тушган чоғ,
Ё сен жоним — тоза ҳавоми?!
Қари Йўлдош ҳали кўп яшар,
Нигоҳларинг умрим давоми!

МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

Futbol

Тойлоқ олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежининг футбол ўйингоҳида 1990-91 йилларда туғилган болалар ўртасида республика биринчилиги "Футбол ғунчалари" мусобақалари якунланди. Мусобақада Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси футболчиларидан ташқари барча вилоятлардан 12 та жамоа 2 та гуруҳга бўлиниб, кураш олиб бордилар.

1-гуруҳда Самарқанд вилояти ёш футболчилари ("Боғизағон" жамоаси) барча ўйинда ютиб, 15 очко билан финалга йўл олди. 2-гуруҳда эса Андижон вилояти вакиллари ҳам 15 очко тўплаб, финалга чиқишди.

Финалда ушбу икки жамоа учрашиб, ўйин якуни самарқандликлар фойдасига ҳал бўлди. Улар 2:1 ҳисобида ютиб, ғолиб бўлдилар.

Бухороликлар жиззахликларни 2:1 ҳисобида ютиб, 3-ўринга сазовор бўлдилар.

Мусобақа якунида ёш футболчиларга совғалар топширилди. Халқ таълими вазирлигининг махсус совғалари, яъни "Энг кўп тўпурар" Озод Сатторовга (Жиззах вилояти), "Энг моҳир ҳужумчи" Илёс Бердиназаровга (Самарқанд вилояти), "Энг яхши ҳимоячи" Жасур Ҳақбердиевга (Самарқанд вилояти), "Энг яхши дарвозабон" Фаррух Раҳмоновга (Самарқанд вилояти) насиб этди.

Мамажон АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси

Xullas...

ГОЛЛАНДИЯЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Ярим миллион голландияликнинг ихтиёрий равишда чекишни ташлаганлиги ҳақидаги хабар 2000 йилнинг бошларидаёқ хориж матбуоти саҳифаларида эълон қилинган эди. Бу янги минг йилликка соғлом турмуш тарзи билан кириб келишга аҳд қилган 62 фоиз голландиялик кашандалардир.

"Стиворо" чекишга қарши курашиш жамғармаси ушбу ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб чиқди. Ҳозирга келиб, ушбу ташаббус изидан 800 минг киши "кетмоқда".

Ўзига хос бу рекорд ҳали дунёнинг бошқа мамлакатларида қайд қилинган эмас.

ҲУШЁРХОНА ЎРНИДА ШИФОХОНА

Украина ҳукумати ҳушёрхоналарни бекитиш ҳақида қарор чиқарди. Ие, бу ёғи қандоқ бўлди, ўртоқ ичувчиларни энди қаёққа "жойлаш" мумкин?

"Инфо-Арт" агентлигининг хабар беришича, ҳукумат тепасида турган амалдорлар фикрига кўра, ҳушёрхоналарнинг ҳамон фаолият кўрсатиши тоталитар тузумнинг сарқити, шунингдек, инсон ҳуқуқларини топташдир. Шу вақтга қадар ички ишлар вазирлиги ихтиёрида бўлиб келган ҳушёрхоналар зўдлик билан соғлиқни сақлаш муассасалари, яъни наркология ва детоксикация бўлинмаларига айлантирилди.

Эндиликда бу шифохоналар давлат ғазнасига даромад келтирмоқда. Бир кунда бу ерга 80-90 киши "ташриф" буюради ва даволаш, албатта, пуллик. Гапнинг қисқаси, ичувчилар ўйлаброқ ичадиган бўлишди.

ЯРАМАС ОДАТ ПАНД БЕРДИ

Чекмайдиган одамни чекишга мажбур қиладиган ҳолат фақат кинолардагина кузатилади. Фараз қилинг, актриса чекмайди, лекин роль ўйнаганда сигаретани шу қадар тутатиши керакки, гўёки бу одат унинг феъл-атворига хос бўлиб қолган.

Бу фараз эмас, аслида ҳақиқат. "Бўйдоқ" фильмида роль ижро этиш Брук Шилдс хонимнинг соғлигига жиддий зарар етказган бўлса, ажаб эмас.

Кино қаҳрамони кетворган бир қиз, кибру ҳавоси осмонда. Сигаретанинг энг зўрларидан чекади. Брук ҳам ўз феъл-атворини вақтинчалик кино қаҳрамони характерига мослашга мажбур бўлди. Яъни сигарета чекиш тугул унинг ҳидини ҳам ҳазм қилолмайдиган актриса тасвирга олиш жараёнида ҳушидан кетди. Чунки у ўйнаётган ролининг қиёфасини қиёмига етказиш учун бир кунда икки пачкалаб сигарета чекишга ўзини мажбур қилмоқда эди.

Брук Шилдс ҳозир касалхонада. Шифокорлар унга бу ролни ўйнамаслик ҳақида маслаҳат беришмоқда. Акс ҳолда соғлигини йўқотиб қўйиши мумкин.

ana shunaqa gaplar...

Sport

maydonchasi

ПЕЛЕНИНГ "ФУТБОЛ ҚОНУНИ"

Бразилия парламенти Пеле қонуни деб номланган янги қонун лойиҳасини маъқуллади. Пеле ушбу қонун лойиҳасини мамлакат спорт вазири лавозимида ишлаб турган пайтда яратган. Қонун амалга жорий этилса, футболчилар ўз жамоаларини дастлабки 9 йил мобайнида тарк эта олмайди.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

Ўзбекистон енгил атлетика Федерацияси бош сектори В. Аҳмедов Самарқанд вилоят ХТБ бошлиғи, "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти раиси А. Бекмуродов номига миннатдорчилик мактуби йўллади. Мактубда олимпия ўринбосарлари спорт мактаби тарбияланувчиларининг халқаро ва жаҳон биринчиликларидаги муваффақиятлари мамнуният билан қайд этилган.

ЎЙИН "ГИННЕС"ГА КИРАДИ

Варшавада 2 ой муқаддам антиқа футбол мусобақаси бўлиб ўтганди. "Оқлар" ва "Зангорилар" жамоалари 50 соат давомида беллашган. 1000 нафар ўйинчи иштирок этган ўйинда "Зангорилар" 973:941 ҳисобида ғалабага эришган. Мухлислар ва таниқли кишилардан ташкил топган жамоалар ҳар 45 минутда янгиланиб турилди ва ўйин давомийлиги, тўплар сони бўйича Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш учун тавсия қилинди.

ИМКОНИЯТ ЕТАРЛИ

Сидней шаҳрида 15 сентябрдан 1 октябрга қадар давом этадиган XXVII — ёзги Олимпия ўйинларида 202 мамлакатдан спортнинг 38 тури бўйича вакиллар ғолиблик учун кураш олиб боражаги эълон қилинди. Спорт мутахассисларининг фикрига кўра, ўзбекистонлик спортчилар кучли бешликдан (жамоа ҳисобида) жой олиш имконига эга.

ТОЛИБЛАР УЗР СЎРАДИ

Афғонистондаги толибларҳукуматининг Спорт вазири ўтган ҳафта қамоққа олинган покистонлик футболчилардан узр сўради. Толибон ҳаракати вакилларининг бундай кулгили йўл тутишларига Покистон футболчиларининг Қандаҳорда анъанавий формаларда тўп суришлари сабаб бўлди. Толиблар ҳаётга тадбиқ этган қоидаларга кўра, ҳатто спортчилар ҳам танасининг бирор жойини очиқ қолдиришга ҳақли эмас эмиш.

Yangilik

«МОҲИЯТ»ГА ҲАМФИКР БЎЛИНГ

Республикамиз газетхонлари қўлига яна бир янги газета тегди. "Моҳият" деб аталган ушбу ҳафталик "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси бўлиб, у дастлаб тўрт саҳифада чиқади. Газета республикамизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг боришига, ҳуқуқий-демократик жамият барпо этишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади. "Моҳият" газетхонларнинг қалбига, уларнинг ҳаётига янги фикр, янгича қарашларни шакллантириш ниятида кириб боради. Уларнинг энг яқин сирдоши, маслаҳатдоши бўлишга ҳаракат қилади. Шунингдек, газета жамият ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни кўрсатиб бораркан, ислоҳотларга тўсқинлик қилаётган сабабларни танқидий назар билан таҳлил этиб, муаммоларнинг моҳиятини очиб беришни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Муаммолар, ўзгаришлар, янгиланиш ва ютуқлар янги нашрнинг асосий мавзулари бўлиб қолади.

"Туркистон-пресс"

Qutlov



Ҳурматли ҳамкасбимиз Юсуф САЙДИЁРОВ!

Сизни 60 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин дилдан қутлаймиз ва институтимизда бўлим бошлиғи сифатида олиб бораётган масъулиятли ишингизда зафарлар тилаймиз. Оилангиз тинч, соғ-саломат бўлинг!

Жиззах вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти жамоаси.

Suvsiz hayot bo'lmas



СУВ-МАВЖУДЛИК ОМИЛИ

(Давоми.)

Маълумотларга қараганда, Ғарбий Европа шаҳарларида яшайдиган ҳар бир киши кунига 100 дан то 300 литргача сув сарфлайди, бу тоза сув аксарият ваннада чўмилиш ва кир ювишга кетади, шунингдек, ундан ҳожатхоналарда фойдаланилади. Шулардан атиги тўрт ёки беш литри овқатга ва ичишга сарф бўлади.

Тоза сув ўз ўрнида, мақсадга мувофиқ сарф этиладиган бўлса яхшику-я, аммо уни беҳуда исроф қилиш нодонликнинг ўзгинаси. Оддий бир мисол, водопроводдан бир стакан муздек сув олиш учун жўмракни бир неча минут очиб қўямиз. Агар водопровод жўмраги очиқ қолган бўлса, 10 секундда бир литр, 2 соату 45 минутда 1 куб метр тоза сув оқиб кетади. Баъзан ваннани чайиш учун уни сувга тўлатиб, кейин сувни ҳеч қандай фойдасиз оқизиб юборамиз. Ювинишга кўп сув ишлатамиз, тоза ичимлик учун яроқли водопровод суви билан экин, дов-дарахтлар суворилади, кўчаларга сув сепилади ва ҳоказо.

Ўзбекларда "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ" деган ибора бор. Дарҳақиқат, гоҳида биз учун об-ҳаёт ҳисобланган сувни қадрлашни ёддан чиқариб юборамиз. Ваҳоланки, ҳозирда бутун жаҳон миқёсида тоза сув, ичимлик сувининг танқислиги муаммоси жуда кўп олимларни ташвишлантираяпти.

("Роҳатбахш ҳаммом" китобидан олинди.)

(Давоми бор. Боши ўтган сонда.)

СОҒИНАМИЗ СЕНИ, ОРОМГОҲ!

Ta'til

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Бухоро тумани қўмитаси туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда Галаосиё шаҳар марказидаги 1- ва 3-ўрта мактаблар қошида 11 ёшгача бўлган болалар учун ёзги соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этдилар.

—Бунда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят қўмитасининг ёрдами катта бўлди, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро туман қўмитаси раиси Р.Наврўзов. — Болажонларнинг саломатликларини доимий равишда малакали тиббиёт ходимлари назоратга олганлар. Ўғил-қизларимиз учун етарли шарт-шароитлар яратилиб, дармондориларга бой таомлар, сут ва сут маҳсулотлари, сархил мева ва сабзавотлардан пиширилган овқатлар билан таъминланаяпти.

Мактаб оромгоҳларида ўтказилган "Эртаклар оламида", "Ким кўп билади?", "Соғинамиз сени, оромгоҳ", "Қувноқ мусобақалар" каби тадбирлар болажонларда унутилмас таассуротлар қолдирди. Ибратли ишлардан яна бири, кам таъминланган, кўп болали оилалар фарзандларига йўлланмалар юз фоиз ҳомийлар томонидан тўланади.

Шунингдек, оромгоҳда намунали фаолият кўрсатган уч нафар ўқитувчи таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси томонидан профилакторийда дам олиб ва даволаш учун бепул йўлланма билан таъминландилар.

—Муҳими, оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган фарзандлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам мактаб оромгоҳи фаолиятидан мамнун эканликларини билдирмоқдалар, — деди пировардида Р. Наврўзов.

"Туркистон-пресс"

Yoz — o'tmoqda soz!

"ЛОЧИН" ҚАНОТЛАРИ ОСТИДА

Тўрткўл туманидаги "Лочин" болалар оромгоҳи табиатнинг гўзал гўшасида — катта боғда жойлашган. Бу масканда бутун ёз давомида уч босқичда, жами 600 нафар бола маданий ҳордиқ чиқаради. Улар учун деярли барча қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Қизиқарлиси шундаки, ушбу оромгоҳ бошлиғи Файзулла Жуманазаров айни пайтда тажрибали раҳбар сифатида оромгоҳда турли қизиқарли тадбирларнинг ўтказилишига, тарихий шаҳарларга экскурсиялар уюштирилишига, озиқ-овқат таъминотининг вақтида намунали йўлга қўйилишига бош-қош бўлмоқда.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

Танишув

ДЎСТЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНГАН КИТОБ

"Ўқитувчи" нашриётида ўзбек ва немис тилларида "Танишув" /Кенненлернен/ китоби чоп этилди.

Асримизнинг биринчи чорагида Ўзбекистон—Германия маданий алоқалари гуллаб-яшнагани тарихдан маълум. Таассуфки, собиқ шўролар тузуми бундай дўстликка рўйхуш бергани йўқ. Қатағонлар боис, икки халқ ҳамкорлиги анча сусайиб кетди. Истиқлолдан сўнг мамлакатимизда жадидлар бошлаган анъана ўзининг иккинчи умрини давом эттирди. Пойтахтимизда олмон маданияти кунлари, ўз навбатида Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилгани сўзимизга далил.

Германия Федератив Республикасининг Маданият ва ахборот маркази ҳисобланадиган Гёте институтининг дунё бўйича 130 филиали мавжуд. Ана шундай филиаллар Алмати ҳамда Тошкентда ташкил қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан маданият жабҳасида ваколатхона ходимлари катта ишларни амалга оширдилар. Яқинда ваколатхона раҳбарларининг бевосита иштироки туфайли "Ўқитувчи" нашриётида "Танишув" ("Кенненлернен") китоби нашр қилинди.

Taqriz

Мазкур китобга ваколатхона раҳбари доктор Элизабет Латтаро сўзбоши ёзган.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, матнлар ўзбек ва немис тилларида ёнма-ён берилган. "Оловга айланган вақтимда" қисмида Ханс Магнус Энценсбергер, Урзула Креҳел, Эрих Фрид, Улла Хаан, Петер Ҳертлинг, Дитер Веллерсхоф, Вольф Бирманн, Йорг Фаузер, Карин Кивус, Дитер Лайзеган каби ўн беш нафар немис шоирларининг шеърлари Баҳром Рўзимуҳаммад ҳамда Робияхон Абдуллаева таржимасида ўрин олган.

Китобнинг иккинчи қисмида шоир Баҳром Рўзимуҳаммад шеърлари Ҳумбольд университетининг Марказий Осиё тиллари кафедраси мудираси, профессор Ингеборг Балдауф таржимасида берилган бўлиб, "Давсаман" дея номланади. Бу эса ўзбек шоирининг Европа миқёсида танилишига имкон яратган.

Китоб муқовасини яратишда айни кунда Францияда истиқомат қилаётган, ғарбда машҳур ўзбек мусаввираси Доимо Раҳимбекова чизган суратдан фойдаланилгани бежиз эмас. Бу мусаввира ҳам ҳеч кимникига ўхшамаган услуби билан санъат ихлосмандлари олқишларига эришмоқда. Хуллас, "Танишув" ("Кенненлернен") китоби шарқу ғарбни ўзаро яқинлаштириш йўлидаги илк интилиш сифатида қадр-қимматга эга.

Хусан КАРВОНЛИ.

КИБЕРНЕТИКА ТАРИХИДАН

Bilasizmi?

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Америка ҳукумати олимлардан Н.Винер ва Ж.Биглоуга ҳаво ҳужумидан муҳофаза қиладиган қуролларнинг ўт очишини механик суратда бошқариш йўлларини ўрганиш вазифасини топширди. Зенит қуролларидан очиладиган ўтни муваффақиятли бошқариш учун снаряднинг самолётга тегиши пайтини олдиндан кўрсатиб бера оладиган асбоблар лозим эди.

Олим Н.Винер ва унинг шогирдлари электроника, жумладан, электрон-ҳисоб машиналари ёрдамида олий асаб фаолияти аппарати — миянинг моделини яратиш пайтига тушдилар. Н.Винер тўплаган маълумотлар, ўтказган тажрибалар, янги фикр ва мулоҳазалар асосида 1947-1948 йилларда "Кибернетика ёки тирик организм ва машиналардаги бошқариш ҳамда алоқа" деган китоб ёзди. Бу йирик олим янги фанни вужудга келтириш ва ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам бу олимни "Кибернетиканинг отаси" дейишлари бежиз эмас.

Янги мураккаб фан — кибернетика шу тариқа вужудга келди.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА саҳифалади.
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Хусан НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-617. Тиражи 19.687.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 21.30.